



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SUV XO'JALIGI VAZIRLIGI HAY'AT QARORI

2024-yil 5-sentabr

Toshkent sh.

№ 6/1

“Ijro.gov.uz” tizimidaги Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг ҳужжатлари билан вазирликка юклатилган топшириқлар ижроси 2024 йил август ойи якунлари, сентябрь ойида бажарилиши лозим бўлган топшириқлар ижросини белгиланган муддатларда, тўлақонли ва сифатли бажариш ҳамда ижро интизомига қатъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан раҳбар-ҳодимларнинг шахсий масъулияти ва жавобгарлигини янада кучайтириш билан боғлиқ чора-тадбирлар ҳақида

Вазирлик ҳайъати таъкидлайдики, 2024 йил август ойи давомида Ўзбекистон Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг ҳужжатлари (Фармон, қарор, фармойиш ва йиғилиш баёнлари)да вазирликка юклатилган топшириқларнинг ижросини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 31 майдаги “*Ijro.gov.uz*” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5132-сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати ҳужжатлари билан вазирликка юклатилган вазифалар ва топшириқлар ижросини сўзсиз таъминлаш, ижро интизомига қатъий риоя этиш, вазирликка келиб тушган хат ва ҳужжатларда баён этилган кўрсатма ва топшириқларнинг ижросини белгиланган муддатларда, тўлақонли ва сифатли таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар ҳар ҳафтанинг жума кунлари интизоми учун масъул бўлган вазирнинг биринчи ўринбосари ҳузурида ҳамда ҳар ҳафтанинг душанба кунлари Вазир раислигида вазирлик марказий аппаратининг йиғилишларида танкидий руҳда муҳокама қилиниб, барча даражадаги раҳбар-ҳодимларнинг шахсий масъулияти ва жавобгарлигини кучайтириш билан боғлиқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Лекин, кейинги вақтларда вазирлик марказий аппаратининг айрим бошқарма бошлиқлари ва бўлим бошлиқлари ҳамда вазирлик тасарруфидаги республика ташкилотлари раҳбар-ҳодимларининг масъулиятсизлиги оқибатида ижро интизомига риоя қилмаслик, вазирликка келиб тушган хат ва ҳужжатлар ижросини белгиланган муддатлардан кечиктириб бажариш ҳолатларига йўл қўйилмоқда.

2024 йилнинг август ойи давомида “*Ijro.gov.uz*” тизимида назоратда бўлган вазирлик асосий ижрочи бўлган 70 та топшириқлар ижроси тўлиқ назоратга олинган бўлиб, ҳақиқатда 68 таси (97,1 фоиз)нинг ижроси таъминланган ва 2 та топшириқларнинг ижро муддатини узайтириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига ва Адлия вазирлигига таклифлар киритилган.

Жумладан, Сув хўжалигида хорижий инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш маркази Ш.Султонов томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 январдаги ПҚ-98-сонли қарорининг 17-илова 9-банди, яъни Жанубий Қорақалпоғистонда сув ресурсларини яхшилаш (Бўстон канали қурилиши объекти)

лойиҳасини амалга ошириш топшириғи ижро муддатини **жорий йил 15 ноябрга қадар узайтириш бўйича таклиф**;

Сув хўжалигида хорижий инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш маркази Ш.Султонов томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 14 апрелдаги Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи яқунлари бўйича ўтказилган 15-сонли йиғилиш баёнининг 13-банди, яъни лойиҳа қиймати 45 млн.долларлик Бўстон каналини бетонлаш, шунингдек лойиҳа доирасида қолаётган 20,1 млн. доллар (Жаҳон банки кредити) ҳамда 80 млрд сўм (Ўзбекистон улуши) маблағларини ўзлаштириш ҳисобига Эллиққалъа, Тўрткўл ва Беруний туманларида 100 минг гектар ерларнинг сув таъминотини яхшилаш чораларини кўриш топшириғи ижро муддатини **жорий йил 15 ноябрга қадар узайтириш бўйича таклифлар кўриб чиқилиб ушбу топшириқларнинг ижро муддатини узайтириш мақсадга мувофиқ эмас деб топилган.**

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Инвестицияларни жалб қилиш, саноатни ривожлантириш ва савдони тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси йиғилишининг 2024 йил 30 июлдаги 115-сонли баёнининг 9-банди топшириғининг ижро муддати жорий йил 15 ноябрга қадар ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 14 апрелдаги Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи яқунлари бўйича ўтказилган 15-сонли йиғилиш баёнининг 13-банди топшириғининг ижро муддати жорий йил 31 декабрга қадар узайтирилган.

Бундан ташқари, вазирлик ҳамижрочи бўлган 2024 йилнинг август ойи давомида “Ijro.gov.uz” тизимида назоратда бўлган ва ижро муддати 15 август қилиб белгилаб қўйилган 2 та топшириқ Сув ва гидротехник иншоотлар кадастрини юритиш бошқармаси бошлиғи в.б. Б.Минасипов ва бўлим бошлиғи С.Алимовлар томонидан ҳамда 25 август этиб белгиланган 1 та топшириқ Сув хўжалиги соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш департаменти директори ўринбосари Н.Хўжақулов томонидан **ижроси шу қунгача таъминланмаган.** Жумладан:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 7 майдаги ПФ–74-сонли Фармонининг 8-банди топшириғи, яъни, 2024 йил 15 августга қадар табиий сув объектларининг сув фонди ерлари Сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги тегишли фойдаланувчи ташкилотларга доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратилишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 7 майдаги ПФ–74-сонли Фармонининг 6-илова 7.1-банди топшириғи, яъни, Табиий сув объектларининг сув фонди ерларини Сув хўжалиги вазирлиги балансига ўтказиш. Кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2022 йил 21-22 апрель кунлари Қашқадарё вилоятига ташрифи давомида берган топшириқлари бўйича ўтказилган 35-сонли йиғилиш баёни 57.1-банди топшириғи, яъни, 2022-2023 йилларда вилоятдаги кластерлар ва бошқа тадбиркорлик субъектлари томонидан жами 40 минг гектар ерларни фойдаланишга киритилишини таъминлаш топшириқларининг **ижроси таъминланмаган.**

Ҳисобот даврида Давлат-хусусий шериклик ва аутсорсинг хизматини ривожлантириш бўлими бошлиғи в.б А.Дувлонов (6 та), Сув хўжалигида хорижий инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш маркази директори ўринбосари Ш.Батиров (3 та), Сув ва гидротехник иншоотлар кадастрини юритиш бошқармаси бўлим бошлиғи в.б. С.Алимов (3 та), Молия-иктисод ва хорижий инвестиция масалалари бошқармаси бошлиғи в.б. Ж.Аббасов (2 та) ҳамда Трансчегаравий сувлардан фойдаланиш ва сув балансини юритиш бошқармаси бош мутахассиси А.Турсуналиев,

ҳамда Ички аудит бошқармаси бошлиғи С.Алимардоновлар томонидан биттадан вазирликка келиб тушган хат ва ҳужжатлар муддатидан кечиктириб бажарилган.

Сув ҳўжалиги соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш департаменти директори ўринбосари Н.Хўжакулов, Ички аудит бошқармаси бошлиғи С.Алимардонов, Молия-иқтисод ва хорижий инвестиция масалалари бошқармаси бошлиғи в.б. Ж.Аббасов, Сув ҳўжалигида хорижий инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш маркази директори ўринбосари Ш.Батиров, Трансчегаравий сувлардан фойдаланиш ва сув балансини юритиш бошқармаси бош мутахассиси А.Турсуналиевлар томонидан “*Ijro.gov.uz*” тизимида назоратда турган сентябрь ойининг биринчи беш кунлигида бажарилиши лозим бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари билан юклатилган топшириқлар ижросини белгиланган муддатидан олдин таъминлаб, ўрнатилган тартибда тизимдан назоратдан чиқариш имконияти мавжуд бўлса-да, бу борада сусткашликка йўл қўяётганлиги, топшириқ ижро муддатини кутиб ўтириб, унинг ижросини таъминлаш чоралари кўрилмаган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, кун тартибидаги масала юзасидан тақдим этилган ахборотларни тинглаб ва муҳокама қилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 31 майдаги ПҚ-5132-сонли қарори ижросини сўзсиз таъминлаш, ижро интизомини янада мустаҳкамлаш, “*Ijro.gov.uz*” тизимида назоратда турган сентябрь ойида бажарилиши лозим бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг ҳужжатлари билан юклатилган топшириқлар ижросини сўзсиз бажариш ҳамда вазирликка келиб тушаётган хат ва ҳужжатлар билан ишлаш борасида йўл қўйилаётган хато ва камчиликларни бартараф этиш, келгусида бундай ҳолатларга йўл қўймаслик бўйича бошқарувнинг барча даражадаги раҳбар ва мутахассисларнинг ижро интизомига қатъий ва сўзсиз риоя этилиши юзасидан шахсий масъулияти ва жавобгарлигини кучайтириш мақсадида ҳайъат йиғилиши

Қарор қилади:

1. “*Ijro.gov.uz*” тизимидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг ҳужжатлари билан вазирликка юклатилган топшириқлар ижроси 2024 йил август ойи якунлари, сентябрь ойида бажарилиши лозим бўлган топшириқлар ижросини белгиланган муддатларда, тўлақонли ва сифатли бажариш ҳамда ижро интизомига қатъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан раҳбар-ҳодимларнинг шахсий масъулияти ва жавобгарлигини янада кучайтириш билан боғлиқ чора-тадбирлар ҳақида”ги ахборот **маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.**

2. Вазир ўринбосарлари, вазирлик марказий аппаратининг бошқарма ва мустақил бўлим бошликлари, Қорақалпоғистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирлиги, вилоятлар ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари, вазирлик тасарруфидаги Республика ва тизим ташкилотлари раҳбарлари томонидан 2024 йил август ойи давомида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон, қарор, фармойиш ва йиғилиш баёнларида вазирликка юклатилган топшириқларнинг ижросини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар **талаб даражасида эмас деб топилсин.**

3. Вазирлик марказий аппаратининг 2024 йил 19 августдаги 01/07-168-сонли йиғилиш баёни билан 2024 йил август ойи давомида ижро интизомига қатъий риоя этмаганлиги, “*Ijro.gov.uz*” тизимида назоратда бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг ҳужжатлари билан вазирликка юклатилган топшириқларнинг ижросини белгиланган муддатларда таъминламаганлиги учун Сув ва гидротехник иншоотлар кадастрини юритиш бошқармаси бошлиғи в.б.

Б.Минасипов ва бўлим бошлиғи С.Алимовларнинг ушбу лавозимга яқинда тайинланганлигини ҳисобга олиб огоҳлантириш эълон қилинганлиги **маълумот учун қабул қилинсин.**

4. Вазирликнинг 2024 йил 22 апрелдаги 93-сонли буйруғининг 4.2-банди билан белгилаб қўйилган вазирлик ва идоралардан ҳамда жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушаётган барча ҳужжатларнинг ижросини **5 кунлик муддатда** таъминлаш, агар ушбу муддатда бажариш имкони бўлмаган тақдирда ҳужжат ижрога қаратилган куннинг ўзидаёқ ижро муддатини узайтириш юзасидан вазирга таклиф киритиш бўйича белгиланган ички тартиб-қоидага қатъий риоя этмаганлиги, ижро интизомига қатъий риоя этилишини таъминламаганлиги, вазирликка келиб тушган хат ва ҳужжатлар муддатидан кечиктириб бажаришига йўл қўйганлиги учун Давлат-хусусий шериклик ва аутсорсинг хизматини ривожлантириш бўлими бошлиғи в.б. А.Дувлонов, Сув хўжалигида хорижий инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш маркази директори ўринбосари Ш.Батиров, Сув ва гидротехник иншоотлар кадастрини юритиш бошқармаси бўлим бошлиғи в.б. С.Алимов, Молия-иқтисод ва хорижий инвестиция масалалари бошқармаси бошлиғи в.б. Ж.Аббасов, Ички аудит бошқармаси бошлиғи С.Алимардонов ҳамда Трансчегаравий сувлардан фойдаланиш ва сув балансини юритиш бошқармаси бош мутахассиси А.Турсуналиевларга **огоҳлантириш эълон қилинсин.**

5. Сув хўжалиги соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш департаменти директори ўринбосари Н.Хўжакулов, Ички аудит бошқармаси бошлиғи С.Алимардонов, Молия-иқтисод ва хорижий инвестиция масалалари бошқармаси бошлиғи в.б. Ж.Аббасов, Сув хўжалигида хорижий инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш маркази директори ўринбосари Ш.Батиров, Трансчегаравий сувлардан фойдаланиш ва сув балансини юритиш бошқармаси бош мутахассиси А.Турсуналиевларга “*Ijro.gov.uz*” тизимида назоратда турган сентябрь ойининг биринчи беш кунлигида бажарилиши лозим бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари билан юклатилган топшириқлар ижросини белгиланган муддатидан олдини таъминлаб, ўрнатилган тартибда тизимдан назоратдан чиқариш имконияти мавжуд бўлса-да, бу борада сускашликка йўл қўяётганлиги, топшириқ ижро муддатини кутиб ўтириб, унинг ижросини таъминлаш чораларини кўрмаётганлиги **кўрсатиб ўтилсин.**

Белгилаб қўйилсинки, “*Ijro.gov.uz*” тизимида назоратда турган июль ойида бажарилиши лозим бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари билан юклатилган топшириқлар ижроси белгиланган муддатларда таъминланмаган ва ўрнатилган тартибда назоратдан чиқарилмаган тақдирда, уларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 312-моддасига мувофиқ **меҳнат шартномасини бекор қилишгача бўлган интизомий жазо чоралари қўлланилади.**

6. Вазирлик марказий аппаратининг бошқарма ва мустақил бўлим бошлиқлари ҳамда вазирлик тасарруфидаги республика ва тизим ташкилотлари раҳбарларига:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 31 майдаги ПҚ–5132-сонли қарорининг ижросини тизимли равишда ташкил этиш, **жорий йилнинг сентябрь ойида** назоратдан чиқарилиши лозим бўлган:

1-картотекага қарашли (“*Ijro.gov.uz*” тизимида назоратда бўлган) **97 та** (Вазирлик асосий ижроочи бўлган **60 та** ҳамда ҳамижроочи бўлган **37 та**) ҳамда **2-картотекага қарашли** (Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари, баёнлари ва топшириқлари) **21 та** топшириқлар ижроси юзасидан кунлик мониторинг ўрнатиш ҳамда топшириқларни **25 сентябрига қадар** тўлақонли ва сифатли қилиб бажариш;

“Ijro.gov.uz” тизимидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг топшириқлари ижросини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишларни *вазирнинг ижро интизоми масалалари бўйича масъул ўринбосари ҳузурида ҳар ҳафта жума кuni ва вазир ҳузурида ҳар ҳафтанинг душанба кунлари* муҳокама қилиб, баён билан расмийлаштириб борилишини ташкил этиш вазифалари топширилсин.

7. Ташкилий-назорат ва таҳлил бошқармаси бошлиғи М.Ибрагимовга:

Сув ҳўжалиги вазири Ш.Хамраев томонидан жорий йил 21 августда тасдиқланган I ва II картотекага киритилган 2024 йилнинг сентябрь ойида ижроси таъминланиши лозим бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати ҳужжатлари ижроси бўйича топшириқлар рўйхати, Календарь режа ҳамда вазир ўринбосарлари кесимидаги “Йўл харита”лар ижроси юзасидан ҳар кунлик тизимли ва қатъий мониторинг юритиш;

Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси бўйича “Ijro.gov.uz” тизимига киритилган маълумотлар ва тасдиқловчи ҳужжатларга асосан топшириқларни назоратдан ечиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Ҳисоб палатаси билан мунтазам равишда ҳамкорликда иш олиб бориш;

“Ijro.gov.uz” тизимида назоратда бўлган 97 та (*Вазирлик асосий ижроочи бўлган 60 та ҳамда ҳамижроочи бўлган 37 та*) ҳужжатни ижросини назоратдан ечиш бўйича июль ойи давомида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида доимий фаолият юритувчи Штаб ташкил қилиб, ижросини назоратдан ечиш бўйича керакли вазирлик марказий аппаратининг бошқарма ва мустақил бўлим бошлиқлари ҳамда вазирлик тасарруфидаги республика ва тизим ташкилотлари раҳбарларини таклиф қилиб, муаммоли масалаларни узил-кесил ечиш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга ошириш;

вазирлик марказий аппарати бошқармалари ва мустақил бўлимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати ҳужжатларида белгиланган топшириқлар ижросини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишларни мунтазам равишда (*ҳар ой якуни билан*) таҳлил қилиб бориш, ушбу ҳужжатларнинг ижросини таъминлашга эътиборсизлик ва масъулиятсизлик билан ёндашаётган раҳбар-ҳодимларга нисбатан тегишли интизомий жазо чоралари қўллаш юзасидан вазирлик раҳбариятига асосланган хулоса ва таклифлар (*интизомий жазо чораси қўллаш юзасидан буйруқ лойиҳаси*) тақдим этиш вазифалари топширилсин.

8. Мазкур ҳайъат йиғилиши қарорининг ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари (*ижро интизоми учун масъул*) Т.Бутунбаев зиммасига юклатилсин.

Ҳайъат раиси



Ш. Хамраев